




МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№35 (65) 29.08.2019 йил

Халқаро мусиқа фестивали

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи



Ассалому алайкум!
Азиз ватандошлар!
Мухтарам меҳмонлар!

Хурматли фестиваль қатнашчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сиз, азизлар билан гўзал Ўзбекистон диёрида, “Ер юзининг сайқали” деб ном олган қадимий ва бетақрор Самарқанд шаҳрида кўришиб турганимдан бахтиёрман.

Барчангизни “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мана, йигирма икки йилдики, биз бу фестивални ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказиб келмоқдамиз.

Бугун ушбу ташкилотнинг Бош директори Одри Азуле хоним юртимизга шахсан ташриф буюриб, анжуманимизга алоҳида файз ва кўтаринки руҳ бағишлагани учун самимий миннат-

дорчилик билдираман. Шунингдек, тантанамизда қатнашаётган фахрий меҳмонларимиз:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедевга, Россия Федерацияси Президентининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси Владимир Толстойга, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Ақтўти Раимқуловага, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Азамат Жаманқуловга, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзодага, Туркменистон маданият вазири Атагелди Шамуратовга, Бангладеш Халқ Республикаси маданият вазири Муҳаммад Холидга, Бутан Кириллиги маданият ва ички ишлар вазири Шеруб Гйелтшенга, Польша Республикаси маданият ва миллий мерос вазири ўринбосари Павел Левандовски-

га, Буюк Британия Парламенти Лордлар Палатаси аъзоси Муҳаммад Илтоф Шайхга, Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси сенатори Екатерина Дуловага, Япониянинг Нара шаҳри мэри Мотонобу Накагавага, Корея Республикаси Андонг шаҳри мэри Квон Енг Сега, Лал Баходур Шастри институти раиси, Хинд-ўзбек дўстлик алоқалари кенгаши президенти Анил Шастрига, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги мухтарам элчилари ва вакилларига, фестивалимизни жаҳон миқёсида ёритиш мақсадида юртимизга келган оммавий ахборот воситалари ходимларига чуқур ташаккур изҳор этаман.

Бугунги анжуманимизда дунёнинг барча қитъаларидаги 75 та давлатдан 340 нафар азиз меҳмонимиз иштирок этмоқда.

Давоми 2-саҳифада

Ушбу сонда

Кўқонда қадимий танга ва кўзалар топилди



8-саҳифада

Саҳна меъмори



8-саҳифада

Ватан фидойилари унутилмайди



6-саҳифада

“Шарқ тароналари”



Маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдони

Хабар қилганимиздек, 26 август куни “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди. Унинг тантанали очилиш маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни мамлакатимизда кўришдан мамнунлигини билдириб, йиғилганларни мазкур айём билан муборакбод этди.

Ушбу анжуман турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланганини, Регистон майдонига қадам қўйган ҳар бир санъаткор, миллати, тили ва динидан қатъи назар, башарият фарзанди сифатида дилларни дилларга, элларни элларга боғлашни таъкидлади.

Давоми 5-саҳифада

Маданий мерос ҳафталиги

Ўзбекистон — буюк йўллар ва тамаддунлар чорраҳаси

21 август куни Тошкент шаҳридаги Ешлар ижод саройида “Ўзбекистон — буюк йўллар ва тамаддунлар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар” мавзусидаги маданий мерос ҳафталиги (22 – 27 август) олдидан матбуот анжумани ташкил этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси туризми ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот хизмати маълум қилди.

Давоми 2-саҳифада



«Шарқ тароналари»

Маданият вазири Самарқандда



25 август куни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев «Шарқ тароналари» XII халқаро мусиқа фестивалининг асосий репетицияси жараёнида қатнашиб, очи-лиш маросимининг дастури, мусиқий чиқишлар билан яқиндан танишиди ҳамда

дастур муаллифлари, ишти-рокчилар билан мулоқотда бўлди.

Маданият вазири, шунинг-дек, Самарқандда «Шарқ тароналари» XII халқаро мусиқа фестивали доирасида «Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги

халқаро илмий-амалий кон-ференциясига бағишланган матбуот анжуманида ҳам иш-тирок этди. 41 нафар жаҳон ҳамда маҳаллий оммавий ах-борот воситалари вакилла-ри қатнашган ушбу тадбирда Б.Сайфуллаев журналистлар-ни қизиқтирган саволларга жавоб берди.



Пресс-тур

Фестиваль таратдудлари



Кўкон шаҳрида жорий йилнинг 10-15 сентябрь кунлари бўлиб ўтайдиган халқаро хунармандчилик фестивали олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар иштирокида пресс-тур бошланди.

Дастлаб фестиваль матбуот марказида халқаро хунармандчилик анжуманига тайёргарлик ишлари-га бағишланган брифинг ўтказилди.

Унда Фаргона вилояти ҳокими ўринбосари Ф.Қосимов, Кўкон шаҳар ҳокими М.Усмонов журналистларга тайёргарлик жараёнида ҳақида маълумот беришди. Хусусан, ҳудудда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари, тарихий обидаларнинг таъмирланиши, иштирокчилар учун тайёрланган меҳмонхоналар, ташкил этиладиган кўргазмалар ҳақида сўз борди.



Шунингдек, матбуот марказида уста хунармандлар маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

— Бу фестиваль биз — хунармандларга ўзига хос илҳом бағишлади, — дейди кўконлик хунарманд Аббор Қосимов. — Йигирма уч йилдан буён ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаман. Шогирдлар тайёрлаймиз. Фестивалга тайёргарлик ишлари бошлангач, тарғибот тадбирларидан сўнг хунармандчиликка қизиқувчи ёшлар сони кескин ортди. Ҳозир шогирдларимиз билан эликдан ортиқ совға буюмлари ясаёмиз. Улар орасида Худоёрхоннинг узугидаги муҳр шаклининг ўн-ўн беш баравар катталаштирилган кўриниши кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Фестиваль бизга илҳом бермоқда, ана шундай ўзига хос изланишлар қилишга ундамоқда.

Пресс-тур давомида журналистлар кўконлик уста-хунармандлар ҳузурини бўлиб, улар яратётган ноёб санъат асарлари билан танишишди, касб сирларидан воқиф бўлишди.

Давоми. Боши 1-саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Шарқ тароналари» ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Биз ушбу таниқли маданият арбоблари, машҳур ижодий гуруҳлар ва истеъдод соҳибларини санъатнинг чинакам фидойилари, тинчлик ва эзгулик элчилари сифатида ҳурмат қиламиз ва юксак қадрлаймиз.

Хуш келибсиз, гўзал Ўзбекистонимизга,

Хуш келибсиз, муаззам Самарқанд шаҳрига!

Хурматли фестиваль иштирокчилари!

Ҳаммамизга яхши маълум, дунёнинг кўплаб қитъа ва минтақаларида турли санъат ва мусиқа анжуманлари ўтказиб келинади.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали улар орасида ўзининг алоҳида ўрни, шухрати ва мақоми билан ажралиб туради.

Ушбу фестиваль сабабли бугунги кунда афсонавий Самарқанднинг узок ўтмишини акс эттирадиган мунаввар қошоналари, муаттар ҳавоси билан бирга, бу муқаддас заминдан таралаётган дилбар ва мафтункор тароналар ҳам дунё аҳлини ўзига чорламоқда.

Ўтган салкам чорак аср давомида Самарқанднинг мовий гўмбазлари, юлдузли осмони остида қанчадан-қанча сеҳрли наволар, ҳаётбахш оҳанглар янгради.

Фестиваль ўнлаб машҳур хонанда ва созандалар, ноёб ёш истеъдодларни кашф қилди, уларнинг парвозига қанот, куч ва илҳом бағишлади.

Энг муҳими, ушбу анжуман турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланди.

Биз бу фестивалнинг замирида улуг ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий бобомизнинг, олам аҳли, ҳаммиса бир-бирингизга дўст бўлинг, Ер юзини ўз меҳнатингиз, истеъдодингиз билан обод қилинг, деган мазмундаги ўлмас дъавати мужассам эканини кўрамиз.


Айни пайтда буюқ француз адиби Виктор Гюгонинг «Эзулик ва ҳамжиҳатлик — инсон маънавий оламининг куёшидир» деган ҳикматли сўзлари мана шундай юксак гоёлар билан уйғун ва ҳамохангдир.

Бу фикрлар бундан неча юз йиллар аввал айтилган бўлса-да, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан, бизнинг қалбларимизда, юракларимизда акс садо бермоқда.

Мана шу юксак саҳнага — кўркам ва муҳташам Регистон майдонига қадам қўйган ҳар бир санъаткор, миллати, тили ва динидан қатъи назар, башарият фарзанди сифатида дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди.

Бунинг учун сизларга чин юракдан ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Имкониятдан фойдаланиб, бир



масалага муносабатимни билдириб ўтмоқчиман.

Барчангиз гувоҳсиз, шу кунларда генератив мусиқа, сунъий интеллект ҳақидаги баҳслар қизгин тус олмақда. Келажак мусиқасини энди фақат техника яратади, деган башоратлар илгари сурилмоқда.

Лекин ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қандай мукаммал техника воситаси ҳам тирик инсон нафасини, унинг юрак ноаларини, жонли овоз жозибасини, чинакам санъат ўрнини ҳеч қачон босолмайди.

Ҳақиқий санъатни, соф ва боқий мусиқани фақат Парвардигори оламнинг марҳамати билан ҳазрати Инсон яратади.

Сайёрамизда турли келишмовчилик ва қарама-қаршилиқлар, уруш ва низолар авж олган таҳликали замонда, одамзот тобора ўз дунёсига ўралиб бораётган бир шароитда мусиқа инсонга инсонлигини эслатиб, унинг қалбига келажакка умид ва ишонч уйғотади.

Мусиқа санъати маданий феномен сифатида янги авлоднинг тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир.

Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий қадриятларга ҳурмати баланд бўлади.

Ва мен ишонаман, улар дунёни маънавий таназзулдан қутқаришга қодир бўлган, ўзлар аҳиллик ва бирдамликни улугловчи авлод бўлиб майдонга чиқади.

Шу маънода, мусиқа — ҳеч нарса билан ўлчаб, солиштириб бўлмайдиган беқиёс илоҳий таъсир кучига эга десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Муҳтарам меҳмонлар! Бугун биз мамлакатимизда миллий тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўймоқдамиз.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган жадал ўзгариш ва янгиланишлар маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида орттирган тажрибамизга таянган ҳолда, биз биринчи марта Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжуманини, Термиз шаҳрида

Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказдик.

Сентябрь ойида Кўкон шаҳрида Халқ амалий санъати халқаро фестивалини ўтказишга катта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Ушбу анжуманлар ЮНЕСКО, АЙСЕКСО, Халқаро фольклор санъати ташкилоти сингари нуфузли тузилмалар, сизлар каби санъат жонкуярлари томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани учун барчангизга раҳмат айтмоқчиман.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда юзлаб мусиқа ва санъат мактаблари, академик лицейлар, олий ўқув юртлири, кўплаб театрлар, тасвирий санъат ва концерт заллари фаолият олиб бормоқда.

Ўйлайманки, сизлар ана шу ижод масканларига ҳам ташриф буюриб, ёшларимиз учун маҳорат дарслари бўлиб хизмат қиладиган учрашув ва суҳбатлар ўтказасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга бир тақдир билан мурожаат қилмоқчиман.

Агар сизларда юртимиздаги консерватория ёки ўқув юртлирида ёшларга сабоқ бериш нияти туғилса, сизларни шахсан ўзим қўллаб-қувватлайман.

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Санъатни, куй-қўшиқни севадиган, ижод аҳлини муносив қадрлайдиган эл-юртимиз ушбу анжуманини қувонч билан кутиб олмақда.

Тубдан янгиланаётган Ўзбекистон билан яқиндан танишув, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз билан учрашув ва мулоқотлар Сизларда, албатта, ўчмас таассурот қолдиради, деб ишонаман.

Фестиваль доирасида бўлиб ўтайдиган «Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ишига ҳам омадлар тилайман.

Бу ажойиб нафосат байрамни юқори савияда ўтказиш мақсадида фидокорона меҳнат қилган барча инсонларга, меҳмондўст ва олижаноб Самарқанд аҳлига анжуман иштирокчилари ва бутун халқимиз номидан самимий миннатдорчилик ихсдор этаман.

Қадри дўстлар!
Азиз меҳмонлар!

Мусиқа санъатида садоқатингиз, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлидаги меҳнату маҳоратингиз, улкан ҳиссангиз учун барчангизга яна бир бор чексиз эҳтиромимни билдираман.

Янги ижодий ютуқлар, миллионлаб муҳлисларнинг олқиши ва меҳр-муҳаббати сизларга ҳаммиса ёр бўлсин! Жаҳонда тинчлик, халқлар ўртасидаги мустақкам дўстлик ришталари барқарор бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат!

Халқаро ҳамкорлик

Меморандум имзоланди



27 август куни Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани минтақаси номоддий маданий мероси халқаро ахборот ва ҳамкорлик маркази (ICHCAR) бош директори Ки-ум Жи Хюнг Ўзбекистон Маданият вазириги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Ипак йўлидаги маданий

меросни сақлаш бўйича меморандумни имзолади.

Маданият вазири Б.Сайфуллаев шу куни Корея Республикаси Андонг шаҳар ҳокими Квон Ёнгсай, Польша маданият вазири ўринбосари Павел Левандовскилар билан ҳам учрашди. Учрашувда бу халқлар ўртасидаги маданий алоқалар

ҳамда уларнинг тарихи, муштарак томонлари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, инсониятнинг бебаҳо мероси бўлган маданий бойликлари асраб-авайлаш, уларни ривожлантириш ҳақида ўзаро тажриба ва фикр алмашилди, ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттиришга келишилди.

Давоми. Боши 1-саҳифада



Ўзбекистон — буюк йўллар ва тамаддунлар чорраҳаси

22 август куни Тошкент шаҳрида маданий мерос ҳафталигига старт берилди.

Ҳафталикнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳақимов, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамияти раиси Фирдавс Абдуҳолиқов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари в.б. Фуад Пашаев, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва тарғиб этиш бўйича бутунжаҳон жамияти илмий кенгаши аъзоси Фредерик Старр, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошев ҳамда академик Эдвард Ртвеладзелар сўзга чиқдилар.

“Бугун Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида янгилашув даврини бошдан кечирмоқда, — деди тадбирни очиб берган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳақимов. — Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан амалга оширилган ишхонлар мамлакатимизнинг бутун дунёга очилиши учун барча шароитларни яратмоқда. Жаҳон ҳам, ўз ўрнида, Ўзбекистонга юз тутмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон хорижийларда нафақат ўзининг жаҳон этнопроф этаётган туристик салоҳияти, балки бизнес юритиш учун мавжуд имкониятлари ҳамда бой маданий мероси билан ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Бошланаётган Маданий мерос ҳафталиги бизнинг ҳамкорликдаги меҳнатимиз самараси бўлади. Унда давлат ташкилотлари ва дипломатик корпус вакиллари билан бир қаторда хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган илмий ташкилотлар ва халқаро фондлар вакиллари ҳам иштирок этмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, 26 август кунини Самарқанддаги маданий меросни асраш ва ривожлантириш муаммоларига бағишланган конференцияда иштирок этаётган бош котиб Одр Азуле хоним бошчилигидаги ЮНЕСКО ташкилотига миннатдорчилик билдираман. Шунинг алоҳида қайд этишни истардимки, Ўзбекистон ЮНЕСКО билан мамлакат кесимидаги дастурни юртайётган ягона мамлакат

ҳисобланади”.

Тадбирда сўз олган академик Эдвард Ртвеладзе этноборни дунёнинг етакчи институтлари, университетлари, илмий марказлари ҳамда фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни ривожлантириш кераклигига қаратди. Шунингдек, илм-фан ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, ҳукуматнинг қатор ҳужжатларида ўз аксини топгани, миллий маданий меросни сақлаш масаласи эса давлат раҳбарининг диққат марказида эканини қайд этди. “Айнан шу этнобор ва тегшлик шароитларнинг яратилиши — лойиҳани муваффақиятли амалга оширишнинг гаровидир”, — хулоса қилди у.

Худди шу кунини жаҳоннинг нуфузли олимлари, тадқиқотчилари, таникли музейлар вакиллари ҳамда ноёб коллекциялар эгалари томонидан Ўзбекистоннинг жаҳон коллекцияларида сақланаётган ҳамда юртимиз музейларидаги маданий меросга бағишланган 20 та янги альбом-китеб тақдироти бўлиб ўтди. Бу альбомларда илк бор энг янги технологиялардан фойдаланилган ва китоблар тўдирилган реаллик эффектига эгадир.

Ўзбекистоннинг маданий меросига бағишланган ҳужжатли фильмлар тақдироти ҳам йиғилганларни бефарқ қолдирмади. Ҳафталик қатнашчилари тадбирдан сўнг Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида “Кушонлар хазинаси” ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ноёб қадимий қўлёзмаларга бағишланган кўргазма билан танишдилар.

ТЕРМИЗДА АРХЕОЛОГИЯ ФОРУМИ

Термизда “Ўзбекистон — тамаддунлар чорраҳаси” халқаро археология туризм форуми ўтказилди.

“Ўзбекистон — буюк йўллар ва тамаддунлар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар” маданий мерос ҳафталиги доирасида ташкил



этилган анжуманда юртимизнинг турли ҳудудлари ҳамда дунёнинг 80 га яқин давлатидан 140 га яқин халқаро экспертлар, олимлар, Марказий Осиё тарихий-маданий мероси тадқиқотчилари, реставраторлар, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириги маданий мерос департаменти масъул ходимлари, маданият ва туризм соҳасидаги давлат органлари ҳамда маданий меросни сақлаш соҳасида АТҚ қўллаш бўйича халқаро экспертлар, таҳлилчилар, давлат ташкилотлари раҳбарлари, таълим соҳаси вакиллари иштирок этди.

Форумда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамияти раиси Ф.Абдуҳолиқов, Француз миллий илмий тадқиқотлар маркази профессори П.Лерис, АҚШнинг Хофстра университети Яқин Шарқ ва Марказий Осиё дастури директори, профессор А.Наймарк ва бошқалар Ўзбекистоннинг ўтмишидан буюк йўллар, тамаддунлар чорраҳаси бўлиб, маданият ва динлар ривожига ҳам муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлашди.

Сўнги йилларда қадимий ёдгорликларда олиб борилаётган илмий изланишлар ҳудуднинг янги-янги қирраларини кашф этмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти қадимдан дунё тамаддунининг бешикларидан бири сифатида танилган. Давлатчилик, илм-фан, маданият, хунармандчилик, меъморлик, деҳқончилик каби соҳалар ривожланган. Хорижлик ва маҳаллий қадимшunosларда катта қизиқиш уйғотиб келган воҳада турли асрларга оид 440

дан зиёд археологик ёдгорлик сақлиниб қолган. Уларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳудуднинг ўтмишидаги ривожланиш босқичларини чуқур ўрганиб, унинг дунё цивилизациясида тутган ўрнини таҳлил қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Форум қатнашчилари икки кун давомида бу борада қўлга киритилган ютуқлар билан танишишди. Термиз туманидаги Кушонлар даврига оид Фаёзтепа, Музабот туманидаги Кампиртепа археологик ёдгорликларида бўлишди. Узоқ йиллардан буён илм-фан аҳлининг Окс Александрияси жойлашган ҳудуд ҳақидаги баҳс-мунозаралари билан боғлиқ масалага оид илмий кiritилди. Минтақамизда ягона — Термиз археология музейидаги турли даврларга мансуб экспонатларни томоша қилишди.

Санъат саройида бўлиб ўтган халқаро конференция маданий ёдгорликларни асраш соҳасида долзарб муаммоларни қўриб чиқиш, халқаро тажрибани ўрганиш, тарихий-маданий меросни асрашнинг таъминлашга оид миллий тизимни такомиллаштириш, шунинг йўналишида давлат ва жомат ташкилотлари фаолиятининг асосий вазифаларини аниқлашга йўналтирилгани билан барчада катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамияти илмий кенгаши раиси, академик Э.Ртвеладзенинг “Окс Искандарияси — Кампиртепа: Окс бўйидаги шаҳар-қалъа” мавзусидаги видео-муражаоти эшиттирилди. Шу мавзудаги 3D-роликнинг тақдироти ўтказилди. Кушон империяси ва будда дини тарихига оид видеолаваҳа намойиш этилди.

ИСЛОМШУНОС ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Маданий мерос ҳафталиги доирасида 25 август куни Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида “Асрлар қаъридан таралаётган нур” мавзусида исломшунос олимларнинг

халқаро конференцияси ўтказилди.

Анжуманда IRCICA, UNESCO каби халқаро ташкилотлар ва қатор давлатлардаги фанлар академиялари вакиллари, нуфузли ислом тадқиқот марказлари олимлари, нодир қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланаётган кутубхона фондлари раҳбарларининг маърузалари тинланди.

Тадбир доирасида “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” туркумидаги китоб-альбомларнинг Хоразм ва Бухоро вилоятларидаги обидаларга бағишланган наватдаги — 14-15-йилдлари ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎЗЕОАВМА) ва BBC Ўзбек хизмати ҳамкорлигида суратга олинган “Катта лангар Қуръони: сирлар ва ҳақиқатлар” китобининг тақдироти ўтказилди.

ТАДБИРЛАР САМАРҚАНДА ДАВОМ ЭТДИ

Маданий мерос ҳафталиги доирасидаги тадбирлар 26 август куни Самарқанд шаҳрида давом этди. Шаҳардаги Форумлар саройида БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (UNESCO) шафелигида “Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолари ва уларни ҳал қилиш стратегияси” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 77 давлатидан вакиллар иштирок этди.

Конференция аввалида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуман қатнашчилигида йўлланган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ўқиб эшиттирди.

Халқаро тадбирда ЮНЕСКО Бош директори Одр Азуле хоним сўзга чиқиб, мазкур халқаро анжуман Ўзбекистонда номоддий маданий меросни асраб-авайлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, бу борадаги миллий амалиёт ва халқаро тажрибани ўрганишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ҳафталик иштирокчилари “Шарқ тароналари” XII халқаро фестивалида ҳам қатнашишди.

Ташаббус ижроси амалда

Ёш актёрларнинг концерти



Жиззах вилоят мусикали драма театри ёш актёрлари — Жасур Ҳазратқулов, Фаррух Исмоилов, Жасур Ҳикматов, Воҳид Низомиддинов ҳамда Миржалол Шайзоқовлар 21 август куни Зомин шаҳрида дам олаётган жажжи болажонларга оромгоҳдаги мавсум ёпилиши олдида шоу

тарзидаги концертини намойиш этишди. Тадбирда қизиқарли мусобақалар ташкил қилинди, шунингдек, болалар санъаткорлар билан биргаликда кўшиқлар куйлаб, рақсга тушишди. Куннинг иккинчи ярмида мусиқий тадбир “Азим Зомин шифо” соғломлаштириш

марказида давом этди. Актёрлар бу ерда дам олаётган ҳамюртларимизга ўзларининг ажойиб чиқишлари билан кўтаринки кайфият улашиб, барчани рақсга чорлашди.

М.ШАЙЗОҚОВ,
театр ёш актёри,
муаллиф олган суратлар



Эътибор

Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов уй-музейи очилди



“Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусика фестивали арафасида Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон халқ ҳофиси, машҳур бастакор ва созанда Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов уй-музейи очилди.

Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов 1852-1936 йилларда Самарқандда яшаб ижод қилган таниқли бастакор, ўзбек мақом санъати ривожига бекиёс ҳисса қўшган бетакорор овоз соҳибидир. У яратган “Тулузорим”, “Гуллар боғи”, “Бебоқча” “Бозургоний”, “Самарқанд ушшоғи” каби юзлаб кўшиқлар мумтоз мусика меросимизнинг энг ноёб асарлари қаторидан жой олган.

Шашмақомни ўрганиш ва кенг тарғиб этишда Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг хизматлари катта бўлган. Самарқанд мақом йўллари, соз чалиш ва ашула айтиш бўйича кўплаб ёшларга устозлик қилган, уларга ўз санъатини ўргатган. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Юнус Ражабий ҳам унинг Самарқанддаги хонадонида яшаб, ҳофиздан сабоқ олган.

Аммо ана шу табаррук хонадон, кўплаб санъат даргалари қадами етган ҳовли йиллар давомида эътибордан четда қолди.

Жорий йилнинг май ойида Самарқанд вилояти ҳокими ва жамоатчилик вакиллари Регистон майдони яқинида Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов туғилиб, ўсган, ижод қилган уйга ташриф буюриб, ушбу ҳовлини ижодкорнинг уй-музейига айлантиришга қарор қилган эди.

Шу пайтгача шахсий хонадон сифатида фойдаланилаётган уйни эгаси (бу инсон ҳам улуг бастакорнинг яқинларидан бири)дан сотиб олиб, капитал таъмирлаш ва “Шарқ тароналари” фестивали арафасида фойдаланишга топшириш, бу ерга санъаткорнинг мусика асбоблари, китобларини жойлаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилганди.

Орадан уч ой ўтди. Бу ерда бир миллиард сўмдан ортиқ маблаг сарфланиб, қисқа фурсатда кенг кўламдаги қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ўз навбатида уй-музей учун ҳофиз фойдаланган ва ҳозирда турли жойларда сақланаётган буюмлар, мусика асбоблари, китоблар тўпланди.

Маросимда Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов ва жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, уй-музейда амалга оширилган ишлар билан танишди. Ушбу маскан Самарқанд мусика ва кўшиқчилик санъати тарихини, анъаналарини ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қиладиган маърифат манзил бўлиши таъкидланди.

Танлов



“Шеър азиз олам аро”

Пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида 24 август куни Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида “Шеър азиз олам аро” деб номланган танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудудларда ўтказилган шеърхонлик беллашувларида ғолиб бўлган 14 та маҳалла раиси қатнашди.

“Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида ўтган ушбу танловда иштирокчилар учта шарт бўйича бахслашди. Тадбирда “Ўзбекконцерт” давлат муассаси томонидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулла Шомагруппов, шунингдек, Абдулла Раҳимжонов, Ҳожиакбар Маллабоев ва Рухшона каби хонандалар гўзал хонишлари билан барчага кўтаринки кайфият улаштишди.

Ташриф



ЮНЕСКО бош директори Самарқанд ва Бухорода

25 август Самарқандда куни БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азуле хоним “Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси” мавзусидаги халқаро конференция ҳамда “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусика фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун ташриф буюрди.

Юқори мартабали меҳмонни Самарқанд халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдуҳақимов, Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов кутиб олди.

27 август куни эса Одри Азуле хоним Бухорода бўлди ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган, турли даврларга мансуб меъморий ёдгорликлар билан танишди.

Нуфузли ташкилот раҳбари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдуҳақимов ва Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев ҳамроҳлигида кўхна Арк қалъасини томоша қилди. Бу ерда жойлашган Бухоро давлат музей-қўриқхонасидаги халқимизнинг бой тарихидан гувоҳлик берувчи экспонатлар юқори мартабали меҳмонда катта қизиқиш уйғотди.

Одри Азуле хоним Исмоил Сомоний мақбараси, Минораи Калон, Мир Араб мадрасаси ва Масжиди Калон ёдгорликларини ўз ичига олган Пойи Калон мажмуаси ҳамда Мирзо Улугбек мадрасасини ҳам томоша қилди.

ЮНЕСКО Бош директори шаҳарнинг диққатга сазовор масканлари билан танишув чоғида хунармандчилик намуналарига катта қизиқиш билдирди.

Бухоро азалдан шариф шаҳар, диний бағрикенглик қарор топган кент сифатида ҳам улугланади. Бугунги кунда вилоятда 10 га яқин диний конфессиялар фаолият юритмоқда. ЮНЕСКО Бош директори бу ерда қилган сафари чоғида 400 йиллик тарихга эга аҳудийлар синагогасига ташриф буюрди.

Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

Маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар учун автобуслар



26 август куни Бухоро шаҳрида “Алихан Транс сервис” масъулияти чекланган жамияти янги биносининг очилиш маросими, автобуслар тақдироти ҳамда кам таъминланган 10 та оила фарзандларининг хатна тўйлари бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари сўз олиб, шаҳарга келтирилган автобуслар халқимизга ва юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар учун беминнат хизмат қилишини айтиб ўтаркан, ушбу имкониятлар учун Президентимизга миннатдорчилигини билдирди.

Тадбир давомида болажонларга совғалар улашилди. Таниқли хонандалар, “Бухороча” ракс ансамбли ва истеъдодли гуруҳлар ижро этган ажойиб куй-кўшиқлар, рақслар тадбир қатнашчиларига байрамона кайфият улашди.

Такдимот

Ичан қалъада янги лойиҳа




21 август кунди Хоразм вилояти Хива шаҳридаги "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонасининг "Матмурод девонбеги" тарихий обидасида "Маърифат тур" лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Хоразм вилояти "Қатагон

қурбонлари" музейи директори, тарих фанлари доктори Юлдуз Раҳмонова "Хива: кеча, бугун, эртага" мавзусидаги маърузаси орқали лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб берди. Шунингдек, Муқимий номида

ги Ўзбекистон давлат мусикали театри директори, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов борада ўз тақлиф-тавсиялари билан ўртоқлашди. Тақдимотдан сўнг меҳмонлар учун музей-қўриқхона бўйлаб сайёҳат уюштирилди.

Давоми. Боши 1-саҳифада

Маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдони



ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле ўз чиқишида фестивал ўтаётган Самарқанд Амир Темурнинг буюк давлати, Регистон майдони эса Мирзо Улугбек меросидан далолат беришини, бу мерос асрлар давомида олимлар, ҳунармандлар, санъаткорларни бу ерга чорлаганини қайд этди. Умумбашарий тарихни асраш, универсал тил бўлган мусиқани ривожлантириш ЮНЕСКОнинг маъсулият доирасига киришини, ташкилот Ўзбекистон билан кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш ниятида эканини таъкидлади.

Шунингдек, маросимда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Бангладеш, Польша, Беларусь, Япония, Жанубий Корея, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардан расмий шахслар, фахрий меҳмонлар иштирок этди.

Бу йилги фестивалда 75 та давлатдан 340 нафар вакил қатнашмоқда. Давлатимиз раҳбари уларни санъатнинг чинакам фидойилари, тинчлик ва эзгулик элчилари деб атади.

Фестиваль доирасида "Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 август кунди Самарқанд шаҳрида БМТнинг таълим, фан

ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азуле қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги конструктив мулоқот изчил ривожланиб, шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда ЮНЕСКО томонидан Ўзбекистон учун биринчи марта қабул қилинган Мамлакат дастури доирасида устувор йўналишлар бўйича қўшма чора-тадбирлар самарали амалга оширилмоқда. Халқимизнинг ноёб маданий-тарихий меросини асраш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва бу борадаги алмашинувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЮНЕСКО кўмагида мамлакатимизда "Шарқ тароналари", бахшичилик санъати, ҳунармандчилик фестиваллари, мақом санъати анжумани каби қатор йирик халқаро тадбирлар ташкил этилмоқда.

Учрашувда кенг кўламли шерикликни янада ривожлантириш, жумладан, Жаҳон мероси қўмитасининг навбатдаги сессияси якунида эришилган келишувларни сўзсиз амалга оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда маданий мерос объектларини ривожлантириш ва асраш соҳасидаги фаол сый-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Самарқандда шу мавзуга

бағишлаб муваффақиятли ўтказилган қўшма халқаро конференция натижалари юксак баҳоланди.

Маданият, таълим ва фан, гендер сиёсат йўналишларида ҳамда экология, жумладан, Орол фожияси оқибатларини бартараф этишда амалий ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

ЮНЕСКО Бош директори самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

МАТБУОТ МАРКАЗИДА ИШ ҚИЗҒИНИ

"Шарқ тароналари" XII халқаро мусиқа фестивалини оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида тузилган фестиваль матбуот марказида иш қизғин.

Маълумотларга кўра, фестивални 300 нафардан ортқ маҳаллий, шунингдек, 20 давлатдан қирққа яқин хорижий ОАВ вакиллари ёритиб бормоқда.

– Самарқандда биринчи бор бўлишим, – дейди Германиянинг DER-REISENEWSLETTER.COM сайти муҳбири Керн Карл-Хайнц. – Шаҳрингиз ҳақида жуда кўп эшитгандим. Айниқса, Регистон тўғрисида кенг маълумотларга эгаман. Самарқандга



келдим-у, дастлаб Регистон майдони билан танишдим. Шу пайтгача "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали тўғрисида сайтимиз орқали кўплаб мақолалар эълон қилганмиз. Жорий йилда бу фестивални тўғридан-тўғри Самарқанд шаҳридан ёритиш имкониятига эга бўлганимиз учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман. Яқинда "Шарқ тароналари" XII халқаро мусиқа фестивали олдида махсус видеолавҳа тайёрлаб сайтимизда эълон қилдик. Келгусида мазкур фестивал ва Самарқанд ҳақида сайтимиз орқали кўплаб мақолалар эълон қилишни режалаштирганмиз. Бу Германияликларни юртингизга сайёҳатга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

ҚАЙСИ МАМЛАКАТ ВАКИЛЛАРИ ЭНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИ?

Бугунгача 11 мартаба ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали танловида 36 мамлакат вакиллари голиблар сафидан жой эгаллашга муваффақ бўлди. Ўзбекистонлик санъаткорлар – 9, Жанубий Корея – 7, Озарбайжон – 6, Хитой – 5, Эрон ва Хиндистон вакиллари – 4 мартабадан голибликни кўлга киритган.

Шунингдек, Россия, Италия, Грузия ва Кувайт гуруҳлари – 3 марта, Туркия, Мўғлистон, Тожикистон, Афғонистон, Бангладеш, Исроил, Туркменистон, Литва, Япония санъат усталари 2 мартадан шохсупага кўтарилган.

Қозоғистон, Саудия Арабистони, Покистон, Греция, Миср, Кения, Малайзия, Мадагаскар, Буркина Фасо, Буюк Британия, Австрия, Польша, Эстония, Коста-Рика, Қирғизистон ва Индонезия жамоалари бир мартадан совриндор бўлишган.

ЎЗА Материллари асосида тайёрланди



Таълим

Соҳадаги ўзгаришларга бағишланди



21 август куни Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази” да вилоят халқ талими бошқармасининг анъанавий август кенгашлари ялпи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят ҳокими К.Турсунов иштирок этиб, таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва ислохотлар тўғрисида ўз

мулоҳазаларини билдирди. Сўнг бир қатор фидойи, ташаббускор устоз ва мураббийларга эсдалик совғаларини топширди. Тадбирда Ўзбекистон давлат филармонияси Навоий вилоят бўлинмасининг яккахон хонандалари томонидан концерт намойиш этилди.



Таълим

Миллий тарбия — ҳамиша долзарб масала



Муסיқа таълимида миллий тарбия энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабаб, ўқувчиларда болалигиданоқ миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотиб бориш зарур. “Миллий ўзликни англаш одамларнинг маълум бир этник бирликка тегишли эканлигини ҳис этганидагина мавжуд бўлади”, — деган эди файласуфлардан бири.

Бугунги кунда ёш авлодга билим беришда энг долзарб мавзулардан бирига айланган миллий ғоянинг қуйидаги муҳим жиҳатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

■ билим беришда, энг аввало ўқитувчининг миллий-маънавий етуқлиги юксак даражада бўлиши лозим;



■ ўқувчиларга ўргатиладиган кўшиқ қандай мавзуда бўлишидан қатъи назар, аввало, уларда одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилинган бўлиши ва болаларда шу кўникмаларни шакллантира олиши зарур;

■ ёшлар қалбига ўз ватанига меҳр, садоқат туйғуларини мужассамлаштириш, яъни улар ўз ота-оналарини қай даражада севсалар, ватани ҳам, таълим даргоҳи, устозлари, дўстларини ҳам қадрлаши лозимлигини ўргатиб бориш лозим;

■ болаларга ҳар бир дарс машғулотига кийиниш маданиятига риоя этишлари муҳимлигини ўргатиш керак, чунки кийинишда ҳам қадриятларимиз мужассам.

Ҳар бир ёш авлодни миллий меросимиз, қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат ва эҳтиром билан қарашга ўргатиш ҳам олий мақсадларимиздан бўлиши керак. Зеро, муסיқа санъатининг ўзига хос мураккаб жараёнлари мавжуд. Куйлаш, чолгу ижрочилигининг ўзига хос талаблари борки, буни фақат махсус муסיқий маълумотга эга одамгина амалга ошира олади. Шундай экан, муסיқа мактаблари ўқитувчилари ҳам ўз устида ишлашдан тўхтамасликлари зарур. Бу бугунги кун таълимининг талаби ҳисобланади.

Сарвар АБДУЛЛАЕВ,
Урганч шаҳридаги
3-болалар муסיқа ва санъат
мактаби ўқитувчиси

31 август — Қатағон қурбонлари хотираси куни



Ватан фидойилари унутилмайди

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида Қатағон қурбонлари хотираси музейи фаолияти йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги Олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида очилган музей расман 2018 йилнинг 28 августидан иш бошлади.

Шундан сўнг асосий эътибор экспозиция зали, моддий-техникавий базани яратиш, зарур экспонатларни йиғиш билан бирга тарғибот ишларини олиб боришга қаратилди.

Айни пайтда музейда “Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан босиб олинishi, маҳаллий халқнинг эрк ва ҳуррият учун кураши (1868-1900)”, “Туркистондаги миллий уйғониш ҳаракати, унинг амалий йўналишлари ва намояндalари (1901-1917)”, “Туркистон Мухториятининг тугатилиши ва вилоятда большевиклар ҳокимиятининг ўрнатилиши (1917-1929)”, “Совет давлати қатағон сиёсатининг бошланиши (1929-1936)”, “1937-1938 йиллардаги “Катта қиргин”, “1940-1950 йиллардаги сиёсий қатағонлар”, “1980 йиллардаги қатағонлик, “Пахта иши” кампанияси” ҳамда “Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар (1991 йилдан кейинги давр)” номи бўлимлар очилган.

Музей учун экспонатлар йиғиш мақсадида Нукус шаҳри ва туманларда қатағон даври буюмлари ва ҳужжатлари, шу даврга оид ашёлар жамланди. “Пахта иши” бўйича қатағон қилинган эл оқсоқоли Қалибек Камалов, Ережеб Айтмура-тов, Султан Қаниязов, Ю.Палўяниязов,

Қ.Нуриимбетов ва бошқалардан, шунингдек, Қорақалпоғистон автоном республикасининг биринчи раҳбари К.Нурмухаммедовнинг набираси Мариника Бабаназарова уйдан ва Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой, Кегейли, Хўжайли, Қараўзак, Тўрткўл, Эллиққалъа, Беруний туманларидан, ЎзФАҚҒФИТИ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси марказий кутубхонасидан, ҚҚДУ кутубхонасидан музей учун зарурий материаллар олинди.

Ўтган давр мобайнида бу ерда бир нечта маданий-маърифий экскурсиялар уюштирилди, тарихий мавзудаги тадбирлар, қатағонга учраган юртошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар тақдимотлари ўтказилди. Қатағон даври қурбони бўлган Аллаяров Досназаровнинг халқимиз олдидаги катта хизматлари бағишланган “Елим деген ер еди”, “Ел перзенти” (ёзувчи Алписбай Султанов қаламига мансуб) китоби шулар жумласидан.

2019 йил март ойда музей ходимлари ва тарих йўналиши 3-босқич талабалари, тарих гуруҳи раҳбарлари Ахборот ресурс марказининг чет эл ахборот кутубхона ресурслари билан бирга ишлаш бўлими билан ҳамкорликда “XIX аср охири — XX аср бошларидаги сиёсий воқеалар” мавзусидаги тадбирни ўтказишди. Апрель ойда эса музей ходимлари томонидан Ажиниёз номидаги НДПИ қошидаги ХТХҚТ ва ОҚАА маркази



Музейда ўтказилган кўргазмани хорижлик меҳмонлар ҳам қизиқиш билан томоша қилишди

тарих йўналиши тингловчилари, социал-экономика фанлари методикаси кафедраси ўқитувчилари билан биргаликда “Тарих фанини ўқитишда музей материалларининг таҳлили ва аҳамияти” мавзусида кеча ташкил қилинди. Шунингдек, қатағон даври бўйича университетнинг бакалаврият ва магистратура босқичлари талабаларига сайёр дарслар ўтказиб келинмоқда.

Мазкур даргоҳ фаолиятини ривожлантириш, унинг илмий-тадқиқот, экспозиция ва кўргазма ишларини яхши йўлга қўйиш мақсадида келажакда аудиогид, кўчма музей ташкил этиш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бу эса келгуси авлодларга ҳам ўз даврининг чинакам маърифатпарварлари бўлган қатағон қурбонлари ҳақида кенгроқ маълумотлар беришда қўл келади. Халқимиз барча даврлар қаҳрамонлари каби бу инсонларни ҳам асло унутмайди.

А.АЛИМБЕТОВ,
музей ходими

» Бадий кеча

“Дунёни қалбим билан кўраман...”



21 август куни Хоразм вилоятининг Хазорасп туман кўзи ожизлар кутубхонасида “Қалбим билан кўраман дунёни” деб номланган бадий кеча ўтказилди. Юртимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишланган ушбу тадбир туман ҳокимлиги ва маданият бўлими, Ёшлар маркази, ЎзКОЖ туман бўлими ҳамда

Хазорасп кўзи ожизлар кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Байрам кечасида ёш, ҳаваскор хонанда Умидбек Каримов ва хонанда Муҳаммадали Абдуллаевлар ўз қўшиқлари билан барчани хушнуд этишди. Шунингдек, фаол китобхонлар ўзлари ўқиган китобларидан парчалар ва шеърлар айтиб беришди.

Тадбир давомида “Кутубхона инсоният руҳининг бойлигидир” мавзусидаги кўргазма ҳам ташкил қилинди.

И.АЛЛАЙРОВ,
Хоразм вилояти Хазорасп туман кўзи ожизлар кутубхонаси мудири

» Маданий тадбирлар

Навоийда узум сайли

6 август куни Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номи марказий бог ҳамда “Амфитеатр” мажмуаси майдонида узум сайли ташкил қилинди. Бу ерда бобо деҳқонларимиз томонидан ёз, куз фаслининг асосий неъматларидан бири бўлган узумнинг кўплаб навлари намойиш этилди. Байрам арафасида ўтказилган сайл доирасида шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун маҳсулотларнинг арзонлаштирилган савдо ярмаркаси ҳам уюштирилди.

Сайл вақтида вилоят маданият бошқармасининг ходимлари ҳамда бошқарма тасарруфидаги бадий-ҳаваскорлик ва фольклор жамоалари, рақс ансамбллари, хонандалар ҳамда созандалар фаол қатнашиб, ташриф буюрган меҳмонларга куй ва қўшиқлари, ажойиб рақслари билан хуш кайфият улаштирди.



» Мустақиллиkning 28 йиллигига

Ўқувчилар концерти

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳридаги “Ҳисор” ўйингоҳида 23 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан байрам тантаналари бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳардаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби доирачилар, скрипкачилар ансамбллари ва карнай-сурнай жамоаси ўз концерти дастурлари билан қатнашдилар.



2-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари шунингдек, шаҳар халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашида ҳам фаол иштирок этишди. Мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчилари ўрта мактабларда тўгараклар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда Президентимиз ташаббуслари ижросини таъминлаш бўйича маърузаларини, ўқувчилар эса мусиқий чиқишларини тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этишди.

» Маданий ҳамкорлик


Меҳмонлардан маҳорат дарслари

Самарқандда ўтаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали доирасида иштирокчилар маҳаллий истироҳат боғлари, мусиқа мактабларига ҳам ташриф буюриб, концертлар уюштиришмоқда. Хорижлик санъат усталари ушбу йўналишда таҳсил олаётган ёшларга маҳорат дарслари ўтишмоқда.



27 август куни Самарқанд шаҳридаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактабига ушбу халқаро мусиқий фестивал иштирокчиси — Америка Қўшма Штатларининг “Henhouse Prowlers” жамоаси ташриф буюрди. Жамоа аъзолари ўтказган маҳорат дарслари мактаб ўқувчиларида катта таассурот қолдирди.

» Кўргазма



Самарқанд нонлари намойиши

“Шарқ тароналари” XII Халқаро мусиқа фестивали муносабати билан вилоят касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси томонидан қадимий Самарқанднинг турли ҳудудларида тайёрланган 52 номдаги нонлар, турли хил хўл ва курук мевалари ҳамда қандолатчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Вилоят касб хунар таълими ҳудудий бошқармаси ахборот хизмати берган маълумотга кўра кўргазмадан бири-биридан хуштаъм ва шифобахш бўлган арпа нон, чўпон нон, қозон нон, зоғора нон, жиззали нон, седанали нон, жавдран нон, зиғир уруғли нон, сули нон, лочира нон, гижда нон, оби нон, маккажўхори нон, қора нон, жўхори нон, райхон патир, исмалоқ сувли патир, тош патир, қизил лавлаги сувли патирлар ўрин олган.

Самарқанд нонлари нафақат хорижий меҳмонларда, балки республикамизнинг бошқа вилоятларидан ташриф буюрган анжуман иштирокчиларида ҳам катта таассурот уйғотди.

» БМСМларида

Анъанавий август кенгаши

23 август куни Бухоро шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида шу йўналишдаги таълим даргоҳлари ўқитувчилари ва раҳбарларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш ишини вилоят маданият бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Йўлдош Генжаев кириш сўзи билан очиб, ўтган ўқув йилида амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда тизимда тўпланган тажрибаларни таҳлил қилиш, инновацион таълим беришнинг самарали кластер услубларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш ҳақидаги фикрларини билдирди. Бундан ташқари, Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаби раҳбари Дониёр Неъматовнинг мусиқий таълимни ривожлантиришда ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг педагогик асослари ҳамда 2019-2020 ўқув йили учун ўтказилган қабул ҳақидаги маърузалари тингланди.

Тадбир давомида Когон шаҳридаги БМСМ ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси Матлуба Ёқубова, Гиждуван туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбари, “Меҳнат шухрати” медали соҳиби Муҳаммад Фаттоев каби ўқитувчилар ҳам ўз фикрларини билдиришди. Шунингдек, намунавий очик дарслар, долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан мулоқот бўлиб ўтди.



» Ҳамкорлик

Кўчма кўргазма очилди

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида 27 август куни Қирғизистон Республикаси Маданият ва Туризм вазирлиги тизимидаги Сулаймон Тоо Улуттук археологик музей комплекси билан ҳамкорликда “Сулаймон Тоо — халқаро маданий мерос объекти” мавзусидаги кўчма кўргазма очилди.

Халқ демократик партияси вилоят кенгаши, ёшлар иттифоқи Наманган шаҳар кенгаши, ахборот ресурс маркази, Ўзбекистон миллий архив агентлиги вилоят бўлими, “Наманганская правда”, “Наманган садоси” газеталари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг очилиш маросимида Ҳш шаҳридаги Сулаймон Тоо Улуттук археологик музей комплекси ходимлари кўргазма экспонатлари ҳақида батафсил маълумот беришди.

И.КАРИМОВ, Д.МАХМУДОВА,

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходимлари

Вилоят театрларида

Актёрлардан ажойиб туҳфа

Гулистон шаҳрида I халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди. Хорижлик инвесторлардан иборат мазкур форум қатнашчилари вилоят муסיқали драма театрига ҳам ташриф буюрдилар. Бу ерда меҳмонларни ёш актёрлар — Мурод Жўрабоев ва Барно Мирсаидовалар ўзбек ади-



би Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари қахрамонлари — Отабек ва Кумуш қиёфасида кутиб олишди.

Тадбир давомида “Ковун сайли”, “Гул сайли” ва “Қушлар сайли” ҳам ташкил қилинди. Ҳар бир туман учун ажратилган

махсус сахна майдонларида фольклор кўшиқлар, миллий ракс ва лапарлар, турли кўринишдаги томошалар барчани ҳайратда қолдирди.

25 август кунини эса театр ижодкорлари Ч.Айтматов қаламига мансуб “Момо ер” спектаклини намоиш этишди.

Мозий садоси



Кўқонда қадимий танга ва кўзалар топилди

Халқаро хунармандчилик фестивалига тайёргарлик доирасида ободонлаштирилаётган Кўқон шаҳридаги Жоме мажмуасидан қадимий тангалар топилди.



Маҳаллий аҳоли вакили Муҳаммаджон Тожибоев тангаларни мажмуага кириш жойидаги гулзорнинг тулпоғини янгилаш вақтида топганини айтди. Бу ҳақда Кўқон шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати хабар бермоқда.

Мисдан ясалган ва арабча ёзувлар битилган тарихий тангалар Кўқон маданияти ва тарихи музейига келтирилди. Айни пайтда топилма мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Бундай ҳолат аввалроқ, “Дастурхончи” мадрасасини таъмирлаш ишлари вақтида ҳам рўй берганди. Мадрасани асл кўринишига қайтариш мақсадида том ва фасад қисмларини янгилаш билан бир қаторда хужралар ва ҳовли захлаб кетмаслиги учун 50 сантиметрли чуқур қовлашга киришган қурувчилар бу ерда қадимий хунармандчилик санъати намуналари — кўзаларни топдилар.

Дастлабки ўрганишлар асосида қилинган хулосалар ушбу кўзаларнинг “Дастурхончи” мадрасаси қурилган пайтдан олдинги даврга тааллуқли эканидан дарак бермоқда. Бу ноёб топилмалар, албатта, Кўқонда хунармандчилик қадимдан кенг ривож топганига яна бир далил бўла олади.

Топилмалар қайси даврга тегишли эканлиги ва уларнинг ёшини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Яхшидан боғ қолади



Саҳна меъмор

Ҳар бир инсон ўзидан кейин яхши ном, келажак авлодга муносиб мерос қолдиришни истайди. Воҳамиз марказида савлат тўкиб турган муҳташам бино — Хоразм вилояти муסיқали драма театрига кирганингиздан қалбингизда ўзгача ҳис-туйғулар билан бетакрор санъат оламида кезгандай бўласиз. Театр фойесининг тўрида турган “Жалолиддин Мангуберди” тарихий спектаклига ишланган декорациялар ва фотолавҳаларни кўриб, буюк аждодларимиз билан фахрланасиз. Яна бир томондаги “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” муסיқали драмасига ишланган нақшинкор хонтахталар, турли хил миллий либосларга қараб, қадриятларимизнинг нақадар улғуворлигидан завқланасиз. Ота-боболаримиз сув ичган қудуқ, безак берилган сахна, ҳар бир спектаклга ишланган декорациялар кўзни қамаштиради.

Спектакль намоишидан олдин театرنинг кўرғазма залини айланиб юриб, кейинги уч йилда қўйилган сахна асарларига ишланган муҳташам декорациялар санъат даражасида ишланганига амин бўласиз. Бунинг замирида ўз касбига фидойи бир инсоннинг машаққатли меҳнати ва қалб меҳри акс этиб турганини беихтиёр ҳис қиласиз...

Шуларни ўйлар эканман, ушбу декорацияларни ясаган театримизнинг кўли гул устаси раҳматли Ражаббой ака Саидов ҳаёлимдан ўтди.

Бир кун Ражаббой ака расмлик ҳеҳида “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” спектаклига кўшк ҳамда зинапоё ясаётган эди. Мен цехга кириб, Ражаббой аканинг ишини кузатдим. У кишига “Спектаклни топширишга вақтимиз оз қолди, зинапоёни сал бундайроқ қилиб ишлаб, тезроқ топширсангиз бўларди”, — дедим.

Шунда уста қулиб: “Сиз команда берсангиз бўлди, биз гулини чиройли қилиб ишлаймиз. Лекин мендан кейин шу нарса қайта ишланмасин, дейман. Келажак авлодга пишшқ ва кўркам ишларим қолиши керак. Сиз ҳеч хавотир олманг, ҳамма декорацияни айтган вақтингизга кечаси билан ишлаб бўлса ҳам, тайёр қилиб бераман”, — деди.

Мен Ражаббой устанинг ишидан ҳам, жавобидан ҳам хурсанд бўлдим...

Декорацияларни кўздан кечириб, устанинг айтган ўша сўзлари қулоғим остида яна жаранглагандай бўлди. Экспонатларни жой-жойига мослаб ўрнатаётган театримиз рассоми Ўғилжон Алимова ҳам устани яхши хотиралар билан эслади.



“Мана, кўриб турганингиздек, Ражаббой аканинг кўл меҳнати билан ясалган декорация сахнага ўзгача кўрк бериб турибди. Саҳна безакчимиз кўли гул уста, тўғрисўз, ҳалол инсон эди”, — деди. Жамоамиз аъзоларининг барчаси уста ҳақида худди шундай фикрда.

Ота-боболаримиз ҳам “Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолар” деб бежиз айтишмаган. Биз Ражаббой ака қалб кўри билан ясаган декорацияларни авайлаб асраймиз. Ушбу сахна безаклари ҳали кўп йиллар давомида томошабинларимизга эстетик завқ-шавқ бағишлашига ишонамиз.

Д.ИБРАГИМОВА,
Хоразм вилояти муסיқали драма театри директори



Кўрғазма

“Аждодлар мероси изидан”

20 август кунини Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейида “Аждодлар мероси изидан” номли кўрғазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Амалий санъат ва хунармандчилик анъаналарини сақлаб қолиш, хунармандларни қўллаб-қувватлаш, оммани ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни ўзбек халқининг тарихий маданий мероси, шунингдек, музей фаолияти билан таништириш мақсадида ташкил қилинган тадбир амалий санъат усталарининг савдо-кўрғазмаси билан бошланди. Шундан сўнг чет эллик мутахассислар иштирокида Ўзбекистон ипағи ва пахтаси ҳақидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир давомида музей фахрийларининг ёшлар билан учрашуви, давра суҳбатлари ва муסיқий кечалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари Марказий давлат архивида сақланаётган фотоҳужжатлар ва музейнинг мазкур архив билан ҳамкорликдаги изланишларини ўзида акс эттирган слайд шоу намоиши бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон амалий санъати ва хунармандчилик тарихи давлат музейидаги мазкур кўрғазма 8 сентябргача давом этади. Унга кириш бепул.

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият
вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилрабо Худойбердиева
Тахрират манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунини чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Тахриратта келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахрират фикридан фарқланishi мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Муҳаббат Шарифова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содикова
Адади - 8 556 Буюртма - Г - 827
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” наприёт-
матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида
чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 42.
Босмаҳонага топшириш
вақти - 20.00
Топширилди - 20.00
1 2 3 4 6